



ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК ТАРИХИ



85
0-29

А. ОДИЛОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК ТАРИХИ



ТОШҚЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1995

Ушбу ўқув қўлланмада кўпдан бери қаламга олинмаган ўзбек халқ чолғуларида мусиқа ижрочилигининг асосий босқичлари ҳақида илк бор суз юритилади. Рисолада халқ чолғулари кўҳна тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган давр қамраб олинади, шунингдек, унда таниқли ижрочиларнинг ижодий фаолиятига алоҳида-алоҳида ўрин берилади.

Қўлланма мусиқа ўқув юртларининг халқ чолғу бўлимлари ҳамда созандачилик санъати ихлосмандларига мўлжалланган.

Махсус муҳаррир:

санъатшунослик фанлари номзоди,
доцент **В. З. ПЛУНГЯН**

Тақризчи:

Ўзбекистон халқ артисти, профессор **САЙФИ ЖАЛИЛ**

85.31
0 29

Одиров А.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. —
Т.: Ўқитувчи, 1995 — 128 б.

85.31


№ 213—95

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси
Тираж 1000
Карт. тиражи 2000

4306011800 — 172
354(04) — 95 24—94

ISBN 5—645—02359—5

© «Ўқитувчи» нашриёти 1995 йил



МУАЛЛИФДАН

Қўлингиздаги рисола ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг шу кунгача вужудга келган тарихи ва тараққиётидаги асосий босқичларни ўрганиш ва шу асосда тарихий маълумотларни ёритиш, системага солиш ҳамда умумлаштириш йўлидаги дастлабки уринишдир. Сўнгги йилларгача ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи ўзлаштирилмаган муаммолардан бири бўлиб келди. Шу боис «Халқ чолғулари» ихтисоси бўйича олий ва ўрта махсус musiқа ўқув юртлари талабалари ушбу тарихдан етарли даражада маълумотга эга эмас эдилар. Шундан келиб чиқиб, ушбу мавзуга қўл уришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

«Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи» курси қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Халқ чолғулари пайдо бўлганидан то 1917 йилги тўнтаришгача бўлган даврдаги ижрочилик санъати.

2. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг 1917 йилги тўнтаришдан кейинги ривож.

3. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг урушдан кейинги даврдаги юксалиши.

4. 1960—90-йилларда ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати.

Созандачилик санъати тараққиётидаги янги босқич Тошкент Давлат Консерваториясининг Оркестр факультети таркибида ўзбек халқ чолғулари бўлими ташкил этилиши (1948 й.) дан, сўнгра мустақил халқ чолғулари факультети (1949 й.) га айлантиришдан бошланди. Ўзбек халқ чолғулари оркестри чолғу созандаларини, дирижёрлар ва юқори малакали ўқитувчиларни етук савияда тайёрлаш ва тарбиялаш муаммоси илк бор М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясида, сўнгра республикамизнинг бошқа олий musiқа илмгоҳларида шартли равишда йўлга қўйилди. Муҳими, яккахонлик, ансамбль ва оркестр ижрочилиги, тараққиёти, шунингдек, халқ чолғуларини такомиллаштириш йўлидаги изланишлар бу жараёни жонлантирувчи омил бўлди.

Мазкур қўлланмада аввал Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг шаклланиш жараёни баён қилинади, сўнгра республика телекўрсатувлари ва радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолияти таҳлил этилади.

Ўзбек халқ чолғулари кўп овозли ижрочилик санъатининг шаклланиши эндиликда бастакорлардан янги ижрочилик репертуарини яра-

тишни тақозо этди. Натижада Ўзбекистон бастакорларининг дастлабки оригинал мусиқий асарлари пайдо бўлди. Оркестр учун ёзилган асарлар билан бир қаторда айрим чолғу асбоблари учун ҳам махсус асарлар вужудга келди.

Рисоланинг муайян бўлимларида нодир ўзбек халқ чолғуларини ясаган машҳур соз усталари ҳақида қисқача лавҳалар, республика халқ чолғулари ижрочиларининг қардош республикалар чолғучилари билан ижодий ҳамкорликлари, хорижда ўзбек халқ чолғулари ансамбли ҳамда айрим якканавоз чолғучиларнинг саҳнада чиқишлари ёритилади.

Муаллиф қўлланмани яратишда ва нашрга тайёрлашда яқиндан маслаҳат ва ёрдам берган М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик, ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедралари аъзоларига, мусиқа тарихи ва назарияси ҳамда Шарқ мусиқаси кафедраларининг вакиллари га ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.